

**ИЛОВА**

**Tadqiqot.uz** халқаро илмий журналлар портали томонидан олий таълим муассасалари фаолиятини  
 такомиллаштириш бўйича қуйидаги  
 жадвалда хизматларни таклиф этади

№	ОТМда бажариладиган ишлар	Унга сарфланадиган муддат	Натижа
<b>I-босқич</b>			
<b>Ўқув фаолиятини ўрганиш ва такомиллаштириш бўйича</b>			
1.	Ўқув ва ўқув-услубий фаолиятни ўрганиш ва ўқувга тегишли барча хужжатлар таҳлил қилинади.	10 кун	Ўрганиш ва таҳлил натижасида аниқланган камчиликлар ва муаммолар ёритилиб берилади. Мавжуд муаммолар ва вужудга келиши мумкин муммолар юзасидан <b>аудит хулоса</b> таёрланади ва ОТМга тақдим этилади.
2.	Ўқув жараёнига <b>модул-кредит тизимини</b> йўлга қўйиш	Ишнинг ҳажмига қараб муддатлар белгиланади	1. <b>Ўқув режалар ва ўқув дастурлар (syllabus)</b> қайта кўриб чиқилади ва такомиллаштирилади. Фанларни танлаш имкониятини таъминлаган ҳолда <b>ECTS Европа кредит тизимини (European Credit Transfer and Accumulation System)</b> жорий этилади. Ўқув материаллари <b>назарий билим (30%)</b> олишга йўналтирилган таълимдан <b>амалий кўникмалар (70%)</b> шакллантирилади. 2. <b>Малака талаблари</b> замон талаблари ва ўқув режалар ва ўқув дастурлар асосида янгидан

ишлаб чиқилади.

3. Модуль тизими шароитларида **талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонларини** такомиллаштирилади ҳамда ўқув жараёни тўлиқ электронлаштирилади. Талабаларнинг мустақил ўқув ва **амалий фаолияти (кейс-стади, коучинг ва х. к. )**ни ривожлантириш орқали амалиёт ўтайди.

4. **Профессор-ўқитувчиларнинг юкламасини** белгилашнинг янгича тартиблари ривожлантирилади.

5. «Электрон университет» (E-University) тизимини жорий этилади.

6. **Кадрларни тайёрлашга буюртма** шакллантиришнинг янги тартиби жорий этилади.

7. Етакчи хорижий давлатларнинг ОТМлари билан **профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви ҳамда стажировкаларни** ташкил этиш бўйича тартиблар ишлаб чиқилади. Кадрларни тайёрлаш бўйича **қўшма таълим дастурларини (double degree)** амалга ошириш бўйича ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш механизмлари ишлаб чиқилади

Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича хорижий тилларда, хусусан **инглиз тилида ўқитиладиган мутахассислик фанлари салмоғини оширилади.**

8. Чет эллик олимларнинг фанлар бўйича ўқув адабиётлари туркумини **давлат тилига таржима қилиш ва чоп этишни** ташкил этиш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилади.

9. Ўқув жараёнини янада фаоллаштириш мақсадида **иктидорли талабалар ҳамда уларга раҳбар ўқитувчиларини рағбатлантиришнинг** алоҳида тартиблари ишлаб чиқилади.

10. Ўқув машғулотларни хусусиятидан келиб чиқиб, **ўқиш муддатлари ва талабалар томонидан ўқув машғулотларига қатнашнинг** янгича тартиблари ишлаб чиқилади.

11. Номутахассислик фанларни ўқитиш ва факультатив машғулотлар ўтказишни **аутсорсинг шартларида** ташкил этиш тартиблари ишлаб чиқилади

Амалиётга йўналтирилган ва мунозарали машғулотлар ўтказишни кучайтириш, **танқидий фикрлаш ва нотиклик санъатини ривожлантиришни** таъминловчи материаллар билан ўқув-услубий база ишлаб чиқилади.

12. **Коррупцияга қарши курашиш дастури,** ходимлар ва талабалар (ўқувчилар)нинг **одоб-**

			<p><b>ахлоқ кодексини</b> ишлаб чиқиш ҳамда <b>Коррупцияга қарши курашиш комиссия</b> тузиш бўйича тартиблар ишлаб чиқиш</p> <p>13. <b>Халқаро тан олинган ташкилотлар</b> рейтингларидаги ОТМлари рўйхатига киритиш бўйича <b>комплекс чора-тадбирлар режасини</b> ишлаб чиқиш</p> <p>14. Доимий асосда чоп этиладиган тақриз бериладиган <b>талабалар журналини таъсис этиш</b> бўйича кўмаклашиш</p> <p>15. Республиканинг бошқа ОТМлари талабаларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирадиган <b>ёш мутахассислар жамоат бирлашмасини</b> ташкил этишга кўмаклашиш</p> <p>16. Янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрлаш бўйича <b>чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш</b></p> <p>17. Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалий машғулот ва тадқиқотлар учун зарур шарт-шароитларни яратган ҳолда <b>ОТМ кафедраларини жойларда ташкил қилишда</b> кўмаклашиш</p> <p>19. ОТМга талабаларни ўқишга қабул қилишнинг алоҳида тартибини белгиловчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш</p> <p>20. Талабалар таништирув ва малакавий амалиёти, шунингдек, стажировкани ўташ бўйича такомиллаштирилади</p> <p>21. <b>Яқуний давлат аттестациясини ўтказиш</b> бўйича алоҳида тартиблар ишлаб чиқилади.</p>
<p><b>II-босқич</b></p> <p><b>Илмий фаолиятини ўрганиш ва такомиллаштириш бўйича</b></p>			
3.	Илмий фаолиятни ўрганиш ва ўқувга тегишли барча хужжатлар таҳлил	10 кун	Ўрганиш ва таҳлил натижасида аниқланган камчиликлар ва муаммолар ёритилиб берилади. Мавжуд муаммолар ва вужудга келиши мумкин муммолар юзасидан <b>аудит хулоса</b> таёрланади ва ОТМга тақдим этилади.

	қилинади.		
4.	Илмий фаолиятни ривожлантириш	Ишнинг ҳажмига қараб муддатлар белгиланади	<p>1. ОТМда мутахассислик фанларнинг барча <b>ихтисосликлари бўйича илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгашларни ташкил этиш</b> бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Кафедралар ихтисослиги бўйича талабалар ва ёш олимларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш мақсадида илмий мактаб ва тўғарақларни, шунингдек «<b>Ёш олимлар клуби</b>»(Young Scholars Club)ни ташкил этиш механизмларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. ОТМ журналларининг халқаро миқёсдаги мавқеини кўтариш мақсадида уларни <b>етақчи илмий базалар (РИНЦ, DOI, Scopus)</b>га босқичма-босқич киритиш, шунингдек, журналларнинг алоҳида сонларини хорижий давлатлардаги нуфузли илмий юридик журналлар билан <b>ҳамкорликда нашр</b> эттиришга кўмаклашиш.</p> <p>4. <b>Миллий ва халқаро олимпиадаларда</b> талабаларнинг тизимли асосда иштирок этишини таъминлаш бўйича механизмларини ишлаб чиқиш.</p> <p>5. ОТМнинг <b>халқаро университетлар ассоциациясига</b>, шу жумладан <b>Университетлар буюк хартияси, Университетлар халқаро ассоциацияси, олий таълим мактаблар халқаро ассоциацияси, Европа университетлари ассоциацияси</b> ва бошқаларга аъзо бўлишини таъминлаш бўйича кўмаклашиш.</p> <p>6. Чет эллик сайёҳларни жалб қилиш ва дунё ҳамжамиятида ОТМга қизиқишни ошириш учун концептуал <b>янги ижтимоий йўналиш «Student Ambassadors»</b> ташкил қилиш орқали миллий таълимнинг жозибadorлигини ошириш механизмларини жорий этиш.</p> <p>7. ОТМда талаба ёшларга бизнес ҳамжамиятининг профессионал доирасига кириш, <b>корпорация экспертлари ва топ менежерлари</b> билан суҳбатлашиш, шунингдек, касбий ўсишга эришиш имкониятини берадиган «<b>Business Networking</b>» учун муҳит яратиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.</p> <p>8. Инновацион талабларга жавоб берадиган «<b>тьюторлик</b>» институтини <b>жорий этишни</b> назарда тутган ҳолда тарбиявий ишларни такомиллаштириш</p> <p>9. Ахборот-ресурс маркази фаолиятида фойдаланувчиларга кенг қамровли электрон хизматларни тақдим этадиган <b>замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий</b></p>

этилади.

Масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизими жорий этилади, талабалар ўқишни тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятлари йўлга қўйилади.

10. ОТМда илмий фаолият худуддаги **ижтимоий-иктисодий ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб ташкил этилади**, олиб бориладиган таҳлиллар асосида инновацион ривожланишнинг прогнозлаштириш фаолияти йўлга қўйилади. Илмий-тадқиқот ишлари **ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд муаммоларни ечишга қаратилган** механизми ишлаб чиқилади.

11. **Халқаро SciVal ахборот-таҳлил тизими** ёрдамида жаҳондаги илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб бориш асосида илм-фаннинг илғор ютуқлари билан уйғун ривожланиши таъминланади.

12. Докторлик (таянч докторлик) илмий даражасини берадиган **бинар (иккиталик) ҳимоялар** механизми ишлаб чиқилади.

13. Битирув-малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини **иктисодиётнинг реал сектори**, шунингдек **вилояти (туман, шаҳар, маҳалла, ҳудудий объект) муаммолардан келиб чиқиб шакллантириш** ҳамда мавзуларни **тор қамровда чуқур тадқиқ қилиш** бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилади.

14. ОТМ ишлаб чиқариш корхоналари алоқалари **кластер усулида фаолият юритиш** ташкил этилади ва ишлаб чиқариш корхоналарида дарс машғулотлари ва талабалар амалиётини самарали ташкил этилади, бунда **амалий кўникмаларни тасдиқловчи сертификатлар бериш** тартиби ишлаб чиқилади.

15. Ривожланган хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда **халқаро қўшма илмий журналлар ташкил этишга** кўмакшилади.

16. ОТМда таълим олиш учун **хорижий фуқароларни жалб этиш** бўйича **маҳаллий ва хорижий агентликлар томонидан консалтинг хизматлари** йўлга қўйиш бўйича чоралар белгиланади.

<b>III-босқич</b>			
<b>Ташкилий ишларни ўрганиш ва такомиллаштириш бўйича</b>			
5.	Ташкилий ишларни ўрганиш ва ўқувга тегишли барча хужжатлар таҳлил қилинади.	10 кун	Ўрганиш ва таҳлил натижасида аниқланган камчиликлар ва муаммолар ёритилиб берилади. Мавжуд муаммолар ва вужудга келиши мумкин муммолар юзасидан <b>аудит хулоса</b> таёрланади ва ОТМга тақдим этилади.
6.			<p>1. ОТМнинг <b>янги Уставини</b> ишлаб чиқилади.</p> <p>2. ОТМнинг <b>янги имиджини</b> шакллантирилади:                      ОТМнинг ўзига хос кўриниши ва <b>брендбукини</b> яратиш;                      янги рамзларни тасдиқлаш (логотип, байроқ ва бошқалар);                      ОТМ расмий <b>веб-сайтини</b> халқаро стандартлар асосида модернизация қилиш бўйича вазифалар ишлаб чиқилади.</p> <p>3. <b>Қўшимча молиявий тушумлар жалб қилиш</b> бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади: тайёрлов ва қисқа муддатли <b>курслар</b>, шунингдек <b>ёзги ва қишки мактаблар ташкил этиш</b>, шу жумладан чет эл фуқаролари учун;                      энг юқори талабга эга бўлган <b>хорижий тиллар бўйича қисқа муддатли тил ўрганиш курсларни</b> ташкил этиш;  <b>инновация ва илмий фаолиятни тижоратлаштириш</b> ҳамда молиявий ресурсларни, шу жумладан <b>давлат-хусусий шериклик асосида</b> жалб қилиш учун тижорат ва нотижорат ташкилотлар (стартап, жамғарма ва бошқалар) тузиш;                      ер ва зарур биноларни ажратилишини назарда тутган ҳолда, шу жумладан <b>давлат-хусусий шериклик асосида</b> ОТМ хузурида <b>мактабгача ва умумтаълим муассасаларини ташкил этиш</b>.</p>

			4. Профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг аниқ иш натижаларини ҳисобга олган ҳолда талабалар ўқишидан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан <b>қўшимча устамалар белгилаш мезонларини ишлаб чиқиш.</b>
--	--	--	---

**Яқунловчи босқичда юқорида келтирилган айрим ишлар ва вазифаларни амалга ошириш учун тегишли Ҳукумат қарор лойиҳалари тайёрланади ҳамда раҳбариятга тақдим этилади.**

**Изоҳ:** ОТМ томонидан юқорида келтирилган ишлар ва вазифалардан ташқари бошқа ишлар ёки хизматлар ҳам тақдим этилиши мумкин ҳамда ушбу таклифлар кўриб чиқилади ва уларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилади.